

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МАЪРИФИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАНГАНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тўйчиев Л.Н., Бобомуратов Т.А., Марасулов А.Ф., Базарбаев М.И.

## РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ И ОЦЕНКИ ЛИЧНОСТНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК И ВОСПИТАТЕЛЬНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Тўйчиев Л.Н., Бобомуратов Т.А., Марасулов А.Ф., Базарбаев М.И.

## DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY FOR THE FORMATION AND ASSESSMENT OF PERSONAL CHARACTERISTICS AND EDUCATIONAL MORAL EDUCATION OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Tuychiev L.N., Bobomuratov T.A., Marasulov A.F., Ermetov E.Ya.

Тошкент тиббиёт академияси

*Предлагаются основы построения системы управления развитием интереса студентов к просветительно-поведенческой воспитанности и к формированию их как личностей в высшем образовательном учреждении. Они основаны на построении моделей, определяющих и реализующих особенности структурных компонентов просветительно-поведенческой воспитанности и становления личностью; условия и построение процесса формирования студентов как субъектов просветительно-поведенческой воспитательной деятельности и формирования их как личностей; формирования системы описания и построения гуманитарной образовательной среды и образовательной среды в целом; учебно-методический комплекс сопровождения.*

**Ключевые слова:** просветительство, поведение, воспитание, личность, образование.

*Proposes a building management system of students' interest in education and breeding behavior, and to developing them as individuals in a higher education institution, based on the models of their formation are defined and implemented: characteristics of structural components of education and breeding behavior and the formation of the personality, the conditions and the construction process of the formation of students as subjects of education and behavioral educational activities and forming them as individuals, forming a system specification and construction of humanitarian educational environment, a training set of support.*

**Key words:** enlightenment, behavior, education, personality, education.

Замонавий ёшларни маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахсий хусусиятларини шакллантириш ёшлар таълимида муҳим роль тутди. Бунда бош натижа бу эркин фикрловчи, ижтимоий, иқтисодий ва касбий компетентликка эга тўлиқ ривожланган шахсни шакллантириш. Бундай натижага муваффақиятли эришиш учун, бизнинг фикримизча мазкур шаклланишни бошқаришни самарали тизимини яратиш керак.

Тажрибамизга кўра талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахс сифатида шаклланишларига қизиқишларининг бошқарув тизимини яратишда, қуйидаги кўрсатмалардан келиб чиқиб керак: (а) талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахс сифатида шаклланишларига қизиқишлари ривожининг даражасини аниқлаш моделларини яратиш лозим; (б) Моделлар - талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахс сифатида шаклланишларига қизиқишларининг маъносини ва пайдо бўлиш механизмларини тушунтира берадиган бўлсин; (в) талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахс сифатида шаклланишларига қизиқишлари ривожининг моделлари, шундай бўлиши лозимки, улар ташхисларининг имкониятларини ва истиқболли таъсирларини (ўқув-тарбиявий ишни) очиб берадиган бўлиши лозим; (г) моделларда шахсининг уч

асосий параметрларини аниқлаш қўйилган бўлиши лозим: одамнинг дунё билан боғлиғлигининг кенглиги; алоқаларнинг иерархиялигининг даражаси; боғланишларнинг умумий структураси.

Ҳозирги вақтда ОЎЮ талабаларнинг маърифий-ахлоқ тарбияланганлиги ва шахсий хусусиятларини аниқлаш бўйича мавжуд ёндошувлар, асосан гуманитар фанлар бўйича билимларни баҳолашга ҳамда талабаларни ривожлари ва тарбияланганликлари жабҳаларига тадбиқ этиладиган талабларни баҳолашга таянади, [2,9-11] ва ҳ.

Бундай ёндошувлар унча ҳам самарали эмас ва ОЎЮти талабаларининг маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахсий хусусиятларини шаклланишларининг реал даражаларини тавсифлай бера олмайдилар. Бизнинг қарашимизча, бу шу билан боғлиқки, бу гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг реал фанларро боғланишлари ҳисобга олинмайди, ўқув-тарбиявий фаолиятда шундай фанларро боғланишларни махсус ташкил этадиган ва таъминлаб берадиган тизим мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилганларга асосан, ОЎЮти талабаларининг маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахсий тавсифларини шаклланишларининг даражаларини баҳолаш: биринчидан, ОЎЮтининг гуманитар таълим муҳитини тузиш ва аниқлаш ти-

зимиға; иккинчидан, талабаларни ўқув фаолиятида шахсларни шакллантириш субъектлари сифатида шаклланишларини аниқлаш ва тузиш жараёни тизимиға таяниш лозим [3,4,5].

Юқорида қайд этилганларға асосан, педагогика, психология, ахборот технологиялари, эксперт тизимлар, таълим технологияларини моделлаштириш, бошқарув ва қарор қабул қилиш назарияси аппаратини қўллаган ҳолда, биз томондан ОўЮтида талабаларини маърифий-ахлоқий тарбияланганлиги ва шахс сифатида шаклланиш ривожларини бошқаруви тизимини тузиш ёндошуви таклиф этилмоқда.

Ёндошув қуйидагиларни аниқлайдиган ва амалга оширадиган моделларға асосланган: маърифий-ахлоқий тарбияланганликни ва шахсни шакллантирувчи структурали компонентлари ҳоссаларини; талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликлари ва уларни шахс сифатида шаклланишлари субъектликларини шарт-шароитлари ва жараёнини тузиш; ОўЮ гуманитар таълим муҳитини ва тўлиқ таълим муҳитини шакллантириш тизимини тузиш ва ёзиб чиқиш.

Таклиф этилаётган ёндошув қуйидаги бош масалаларни ечиш орқали амалга оширилади.

1. Талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини ва шахс сифатида шаклланишларини ўзида қамраб олган умумийлаштирилган моделини тузиш: Мақсад – шахсни ривож; малакани; ватанпарварликни, ижтимоий, иқтисодий, касбий компетенцияни; ўқув психологиясини; тарбиялаш шаклини; тарбиялаш усулини; натижани; тегишли тузувчилар билан баҳолаш.

2. Қуйидагиларни ўзида қамраб олувчи, тарбиявий тизимни шакллантириш моделини тузиш: шахсининг касбга эришиш мақсад ва вазифалари; элементар ва вазифавий соводхонликка эришиш; умумий таълимга эришиш; касбий, ижтимоий, маданий компетентликка эришиш; кенг тушиниладиган маданиятга эга бўлиш; индивидуал менталитетни шакллантириш; шахслараро мулоқотни шакллантириш ва унинг фаолият турлари жараёнида коррекциялаш; тегишли ўқитув, тарбия ва уларни ташкил этиш услублари орқали натижаларни жамлаштириш ва назорат этиш, эришилган муваффақиятларни ва омадсизликларни таҳлил этиш.

3. Шахсни мантиқий-маъновий моделини шакллантириш моделини тузиш.

Шахсни мантиқий-маъновий модели ривожлантирувчи таълим технологиялари психологик асосидек қаралади. Моделнинг етакчи компонентларига йўналтириш қарамлиги бўйича биз ажратамиз: ижтимоий-касбий таълим – йўлланганлик компонентаси; контекст ўқитув – касбий таълим компонентаси; когнитив ўқитув – когнитив (ўзлаштирув) компонентаси; корпоратив бирлаштирилган ўқитув – коммуникатив компонентаси; ўз-ўзини бошқариш тарбия – регулятив компонентаси.

4. Шахсни мантиқий-маъновий модели параметризацияси системасини ишлаб чиқиш. Бунда, йўлланганлик компонентаси ўзига қамраб олади:

мотивацияни; қимматлилик ориентациясини; ўрнатмаларни; муносабатларни; Мен – концепцияни. Касбий-таълим компонентаси ўзига қамраб олади: таянч компетентликларни; калитли компетентликларни, мета касбий сифатларни; касбий тайёрланганликни. Коммуникатив компонента ўзига қамраб олади: прецептив адекватликни; аттрактивликни; толерантликни; ижтимоий-коммуникатив интеграцияни. Регулятив компонента ўзига қамраб олади: руҳий ҳолатларни регуляциясини; мақсад назарда тутилганлигини; фаолият ва ҳулқ-атворни регуляциясини; ўз-ўзини назорат қилиш.

5. Гуманитар, ижтимоий, сиёсий, руҳий-педагогик фанлари ўқув мавзуларини, ёшларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини ва шахсни мантиқий-маъновий модели координатли компоненталари мезонлари бўйича тақсимланишлари тизимини тузиш.

6. Талабалар ҳолатларини, уларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини ва шахс сифатида шаклланишларини, гуманитар таълим тизимини ва тўлиқ таълим тизимини шакллантиришни, ОўЮ таълим фаолияти сифатини баҳолашни руҳий-педагогик ва сўровномаларини ишлаб чиқиш.

7. Талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини аниқлаш ва шахс сифатида шаклланишларини, уларни таълим фаолияти субъектлари сифатида, ОўЮтида гуманитар таълим тизимини ва тўлиқ таълим тизимини шакллантиришни ахборот-мантиқ ва эксперт тизимларини ишлаб чиқиш.

Юқорида айтилганларға кўра, ўқитиш аспекти, тарбия ва ривож, уларни умумий боғламлари, биз томондан таклиф этилаётган талабани маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини аниқланиши ва шахс сифатида шаклланишлари умумий модели қуйидагича акс эттирилади: ривожланиш жабҳалари – шахсни ривож блоқи тузувчиларини аниқлаш билан; ўқитиш жабҳалари ижтимоий блоқи, иқтисодий блоқи, жамият ва сиёсат блоқи, руҳшунослик блоқи, технология блоқи тузувчиларини аниқлаш билан; тарбия жабҳалари шахсни тарбиялаш блоқи тузувчилари билан аниқланади [4].

Масала шундаки, гуманитар фанларни тегишли бўлимларини, мавзуларини, бўғинли саволларини кўрсатилган блоklarда ўринлари ва ролларини аниқлашдан иборат. Шунинг назарда тутган ҳолда, интегрирлаш-тирилган: календар-мавзувий режаларни; ўқув дастурларни, таянч конспектларни; ўқув-услубий мажмуаларни ва бошқаларни тузиш. Бу ОўЮтида гуманитар ва тўлиқ таълим муҳитини шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Ўқитув жабҳалари – тарбия ва ривожланиш. Умумий шакл ва тарбия услуби, шахсни мантиқий-маъновий модели етакчи компоненталарни [1,2,7-11] назарда тутган ҳолда, улар орасидаги умумий боғламларни аниқлаш асосида махсус руҳий-педагогик сўровномалар тизими тузилди [6].

Улар асосида ОўЮти талабаларини маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини ва талабаларни шахсий тавсифларини баҳолаши ва

шаклланиш-лари эксперт тизимларининг ахборот-мантикий схемалари ишлаб чиқилган [5].

Бунинг ҳаммаси ОЎЮ талабаларининг шахсий хусусиятлари ва маъри-фий-ахлоқий тарбияланганлигини шакллантириш ва баҳолаш технологияси-ни ишлаб чиқишнинг тизимлигини ташкил этувчи асосини тузади.

Бугунки кунда бизда ва ҳорижда қўлланилаётган ёндошувлар ва усулларни афзалликларини камситмаган ҳолда, белгилаш жоизки, улар талабаларнинг шахсий хусусиятлари ва маърифий-ахлоқий тарбияланганлигини шакллантириш ва баҳолашни алоҳида жабаҳаларини, биз кўрсатиб ўтган боғламларни қўллашни назарда тутмаган ҳолда амалга оширишади. Уларга қўйиладиган барча керакли талабларни ҳисобга олган махсус технология сифатида амалга оширмайдилар.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар асосида, куйидаги бош натижаларни олдик:

Талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликка қизиқишларини ва шахс сифатида шаклланишлари даражасини аниқлаш умумий модели тузилган.

Гуманитар, ижтимоий, иқтисодий, руҳий-педагогик фанларни ўқув мавзуларини ёшларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликлари ва шахсни мантикий-маъновий модели координатлари компонетлари бўйича тақсимланиш тизими яратилди.

Шахсни мантикий-маъновий модели координатлари компонетларини параметризациялаш тизими яратилди.

ОЎЮтида гуманитар таълим муҳити ва тўлиқ таълим муҳитининг ёзиб чиқиш ва баҳолаш тизими шаклланиган.

5. Талабаларни маърифий-ахлоқий тарбияланганликларини аниқлаш ва шахс сифатида шаклланишларини, уларни таълим фаолияти субъектлари сифатида, ОЎЮтида гуманитар таълим тизимини ва тўлиқ таълим тизимини шакллантиришни ахборот-мантиқ схемалари ва эксперт тизимлари ишлаб чиқилди.

6. ОЎЮти руҳий-педагогик хизмати тизимининг асослари тузилди.

7. ОЎЮти таълим фаолиятининг баҳолаш технологияси тузилди.

8. Таклиф этилаётган технологияни кузатув ўқув-услубий мажмуаси.

Энди биз томондан таклиф этилаётган талабаларни руҳий-физиологик ҳолатларини ва таҳлилий тизимини асосий бўлимларини келтирамиз (шахсни мантикий-маъновий модели координатлари компонетларини параметризациялаш бўйича).

#### **Йўлланганлик компонентаси**

Шахс одоб-ахлоқини муҳим регулятори “Мен – Концепция” ҳисобланади. Одамнинг ўз-ўзини баҳолаш билан боғлиқ, ўз тўғрисидаги тасавурлари тўплами. “Мен – Концепция” уч вазифани бажаради:

шахсни ички келишилганликни эришишга қўмаклашади;

ортирилган тажрибани изоҳлаш хоссалари ва характерини аниқлайди;

ўз одоб-ахлоқини ва ўз-ўзига нисбатан ҳурмат манбаи сифатида хиз-мат қилади. Бундан ташқари, “Мен – Концепция” шахсни ижтимоий одоб-ахлоқини амалга оширади.

**Талабани ўқув фаолиятида субъект сифатида шаклланиш жараё-нини аниқлаш тестлари.**

Компонента – Талабанинг дарсларга муносабати.

Компонента – Талабанинг ўқув мотивацияси.

Компонента – Эмоционал ҳолат (шахс сифатида шаклланишга муносабат).

Мотивацияли компонент (шахс сифатида шаклланиш мотивларини пайдо бўлиши ва улар йўлланганлиги).

Интеллектуал компонент (шахс сифатида шаклланишни кераклигини тушиниш ва шунга тайёрланганлик).

Иродавий компонент (шахс сифатида шаклланишда иродавий фаоллигини рўёбга чиқиши ва шахсий тавсифларни такомиллаштириш).

Мотивацион муҳитни тавсифлари (таълим жараёнига киришиш).

Муносабатлар – Ўрнатмалар.

**МУН (А. Реан). Тест-сўровномаси**

Касбий мотивация.

Талабани маърифий – ахлоқий тарбияланганлиги даражасини аниқлаш бўйича эксперт сўровнома.

Талабани танлаган касбига (тайёрланиш йўналишига) қизиқишини ташҳислаш (баҳолаш) учун эксперт сўровнома.

Дифференциал- ташҳисий сўровнома (Е.А.Климов ДТС).

#### **Когнитив компонент**

Сифатли ва тегишли ёшлик руҳий хоссаларга мос таълим муҳити таъсирини ташҳислаш натижалари.

Услуб 1. Хотирани тавсифи. Ўз хотирангиз турини аниқланг.

Услуб 2. Фикрлаш тавсифи. Ўз фикрлаш турини аниқланг.

#### **Коммуникатив компонент**

Ўзаро ҳамкорлик «ўқитувчи – талаба» тизимида: (талабалар ва ўқитувчилар фаолиятини амалга ошириш омиллари).

Ўқитиш масалаларини ечишда: Педагоглар фаолияти томонидан.

Талаба фаолияти томонидан.

Тарбиялаш масалаларини ечишда: Педагоглар фаолияти томонидан.

Талаба фаолияти томонидан.

Ривожланиш масалаларини ечишда: Педагоглар фаолияти томонидан.

Талаба фаолияти томонидан.

Талабалар ва ўқитувчилар шахслариаро муносабатларини аҳамиятли омилларини аниқлаш.

Талабалар ва ўқитувчилар шахслариаро муносабатлари (жамоавий – ижтимоий талаблар).

**ОЎЮтида руҳий муҳитнинг сезиларли тавсифларини ёзиб чиқиш.**

Ўқув гуруҳида (параметрлар-мезонлар) руҳий муҳитнинг сезиларли тавсифларини ёзиб чиқиш.

#### **Регулятив компонент**

Таълим муҳитини талабанинг руҳий ривожининг барча жабҳаларига таъсирининг хусусияти.

Шахсни индивидуал руҳий хусусиятларига кўра тестлар (тавсифни тезкор ташҳислаш мослаштирилган тести).

Темпераментни аниқлаш.

**Таълим муҳитининг талабаларни руҳий ривожларининг барча жабҳаларига таъсирининг самараси.**

ОўЮтида ўқитиш жараёнини талабаларни руҳий хусусиятларига кўра

индивидуаллаштириш.

Одоб-ахлоқ индикаторлари (Свассинг ва Барб бўйича).

Услуг - «Руҳий-геометрик тест».

**Фаолиятни ва одоб-ахлоқни тартибга солиш (шахснинг доминант одоб-ахлоқий белгилари).**

**К.Н.Томас «Сен жанжалли ҳолатда нима қиласан?» услуги бўйича – Жанжалли ҳолатда одоб-ахлоқнинг одатий шакли**

Одоб-ахлоқнинг одатий шакллари ва унинг мумкин бўлган сабаблари

**Одоб-ахлоқнинг асосий руҳий тавсифлари.**

Талабалар ҳолатини руҳий-физиологик баҳолаш тизимининг юқорида қайд этилган тузувчилардан ҳар бири ўз таҳлил ва баҳолаш тизимига эга.

Таклиф этилаётган технология таълим муассасининг компьютер синфларида ўрнатилади. Ўқув гуруҳи компьютерлар сонига қараб кичик гуруҳларга бўлиниб синовдан ўтишади. Синовлар натижаларини ўқув гуруҳлари кураторлари, махсус тайинланган педагоглар ва тегишли қарор қабул қилувчи экспертлар баҳолайдилар.

Таклиф этилаётган ишланма ғояларини мавжудлардан туб фарқи шундан иборатки, маърифий-ахлоқий тарбияланганликни шакллантириш ва баҳолашда талабаларнинг шахсий хусусиятларини шакллантириш жараёнининг мустақил технологизацияси мавжудлигидадир.

Ишланма муҳим аҳамиятга эга, чунки, талабаларни ўзларига ўз одоб-ахлоқий ва шахсий тавсифларини (ўз-ўзларини англашга) ва ўз вақтида тегишли ўқув-тарбиявий чораларни кўришга имкон беради.

Таклиф этилаётган технология ОўЮти ўқув-тарбиявий фаолиятини оптимизациялаш учун, таълим жараёнини гуманитаризациялаш, технологи-зациялаш ва ахборотлаштириш асосларини ва ОўЮтида реал очиқ таълим тизимини яратишда сезиларли базани тузиши мумкин.

Олинган натижалар таълим фани ривожига, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тизимларига, мутахассислар тайёрлашда сифатни таъминлашда сезиларли самарани беради.

Ишланма бир мунча модернизация билан ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларда ҳам самарали ўрнатилиши мумкин.

### Адабиётлар

1. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психологической диагностике. – К.: Наукова думка, 1989.–200 с.

2. Горячев М.Д., и др. Психология и педагогика. Учебное пособие. Самара. Изд-во «Самарский университет», 2003.–187 с.

3. Как проявляется субъектность в учебной деятельности. Материалы конференции «Проблемы и перспективы РО». М., 2002.

4. Марасулов А.Ф., Назаров Б.Б., Долгова Н.Я. Основы построения системы определения уровня духовно-просветительского воспитания в образовательном учреждении. Материалы Республиканской научно-методической конференции – Научно-методические проблемы развития высшего и среднего специального, профессионального образования. Центр развития высшего и среднего специального, профессионального образования. Т., 2006 г. - С.60-61.

5. Марасулов А.Ф. Назаров Б.Б. Островерх И.Л. Технология деятельности образовательного учреждения среднего специального, профессионального образования // Ж. Педагогик таълим, Т., – 2007–№ 5.– С 39-44.

6. Марасулов А.Ф. Технологические основы психолого-педагогического обеспечения среднего специального, профессионального образования // Ж. Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар, ТДТУ, Т.,–2009.– № 3.– С. 64-70.

7. Реан А., Бордовская Н., Розум С. Психология и педагогика. Учебное пособие. СПб.: Питер, 2004.– 432 с.

8. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога в образовании. М., 1996.

9. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. Психология и педагогика в вопросах и ответах. Ростов-н/Д. 1999.

10. Шалаев И.К. Сазонова Л.И. Мотивационное программно-целевое управление как методологическое знание в педагогических процессах / Ж. Мир образования – образование в мире. М., 2004. №2.– С.16-23.

11. Шевандрин Н.И. Социальная психология в образовании. Москва «Владос». 1995.– 534 с.

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МАЪРИФИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАНГАНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**  
Тўйчиев Л.Н., Бобомуратов Т.А., Марасулов А.Ф., Базарбаев М.И.

*Олий ўқув юртида талабаларининг маърифий-ахлоқий тарбияланганликка қизиқишларини ва шахс сифатида шаклланишларининг бошқарув тизимини тузиш асослари таклиф этилган. Улар маърифий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисмларининг хусусиятларини аниқлайдиган ва амалга оширадиган ва шахсга айланадиган моделларни куришга асосланган.*

**Калит сўзлар:** маърифат, ахлоқ, тарбия, шахс, таълим.